



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 12 mart

№ 126

Toshkent sh.

Яйловлар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш хамда яйлов деградациясига қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, республикамизда яйловлар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш хамда яйлов деградацияси жараёнларининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон қарори билан тасдиқланган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш дастурида яйловларни барқарор бошқариш тизимини жорий қилиш – яйлов майдонларининг экологик ҳолатини сақлаш ҳамда ер ва ўрмон деградациясини камайтириш орқали яйловларда чорва молларини ўтлатишни барқарор бошқариш усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш “Яшил” ўсишнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Самарқанд давлат университети ҳамда халқаро ва маҳаллий эксперталарнинг “**Яйловлар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш стратегияси**”ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Кўйидагилар:

Яйловлар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда яйловларни барқарор бошқариш тизимини жорий этиш дастури **1-иловага мувофиқ**;

Яйловлар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича ишчи гурӯҳ (кейинги ўринларда – Ишчи гурӯҳ) таркиби **2-иловага мувофиқ**;

2024-2028 йилларда мавжуд яйловларни босқичма-босқич түлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда уларнинг электрон хариталарини ишлаб чиқиш графиги **З-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

4. Куйидагилар Ишчи гурухнинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

“Яйловлар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш стратегияси”ни илғор халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда унинг амалга оширилишини назорат қилиш ва мониторингини юритиш;

“Яйловлар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш стратегияси”да белгиланадиган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилиш чораларини кўриш;

“Яйловлар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш стратегияси”ни амалга оширишда юзага келадиган муаммоларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш.

5. Ишчи гурух (Абдурахмонов) “Яйловлар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш стратегияси”да **куйидаги тадбирларнинг амалга оширилишини** назарда тутсин:

яйловлардан фойдаланиш соҳасини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни түлиқ хатловдан ўтказиш ва қайта кўриб чиқиш;

яйловлардан самарали фойдаланишнинг ташкилий-услубий асосларини такомиллаштириш, яйловларни тоифалаш ва уларнинг деградациясини табақалашган ҳолда баҳолашнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш;

яйловларни хатловдан ўтказиш орқали яйловларнинг рақамли хариталарини ишлаб чиқиш, деградацияга учраган майдонларга аниқлик киритиш, малакали хорижий эксперталарни жалб қилган ҳолда, хатлов натижалари бўйича республикадаги яйловлар ҳолатини экспертлик баҳолаш;

яйловларда чорва моллари босимини камайтириш ва уларни алмашлаб ўтлатишнинг оқилона тизимини йўлга қўйиш, деградацияга учраган яйловларни қайта тиклаш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишнинг энг мақбул усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

аутсорсинг соҳасида ихтисослашган ташкилотни жалб қилган ҳолда яйловларни бошқаришнинг сунъий йўлдошли интеграциялашган тизимини жорий этиш орқали чорва молларини ўтлатишнинг реал вақт режимида мониторингини олиб боришни таъминлаш;

экологик, ижтимоий ва иқтисодий натижаларга эришишга қаратилган яйловлардан вақтинча фойдаланиш, ерга эгалик хуқуқи борасида хукumat сиёсати ва дастурларини мувофиқлаштириш;

барқарор яйлов амалиётини кенгайтириш борасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, яйловлар майдонларини чиқиндилар билан ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

давлат муҳофазасидаги ерларни ҳимоя қилиш борасида замонавий усул ва воситаларни жорий этишини кенгайтириш, шунингдек, яйловларни барқарор бошқаришнинг институционал механизмларини такомиллаштириш;

худудларда яйлов уруғчилиги базасини ривожлантириш ҳамда яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан мақсадли фойдаланиш бўйича давлат назорати ва мониторинги тизимини кучайтириш;

яйловларни картограмма асосида минерал ўғитлар билан ўғитлаш, ўсимликларни ҳашарот ва касалликлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, яйловлардаги ер ости сувларидан фойдаланишда санитария-ветеринария назоратини кучайтириш;

яйловлар деградацияси ва чўлланишга қарши курашиш тадбирлари доирасида халқаро молия институтлари ва “яшил” грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўриш;

яйловлардаги ер ости сувларидан яйловларни ва чорва молларини суғориш учун фойдаланиш бўйича қўлланма ишлаб чиқиш, яйловларни ва ер ости сув ресурсларини барқарор бошқаришга доир таълим дастурларини яратиш ва такомиллаштириш;

яйловлардаги ер ости сувларидан фойдаланишда сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш, яйловлардаги ер ости сувларидан фойдаланиш меъёрларини белгилаш ва уларга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2024-2028 йилларда мавжуд яйловларнинг босқичма-босқич тўлиқ хатловдан ўтказилишини ҳамда электрон хариталари ишлаб чиқилишини ва электрон ҳисоби юритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Яйлов хўжалигини ривожлантириш уюшмаси, Ўрмон хўжалиги агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўтказиладиган геоботаник тадқиқотлар натижаларига асосан яйловларда чорва молларини ўтлатишнинг энг кўп йўл қўйиладиган фойдаланиш нормаларини белгиласин ҳамда **2024 йилдан бошлаб** яйловлардан алмашлаб фойдаланишни ташкил этсин;

яйловларда ресурс тежайдиган технологияларни кенг қўллаш, яйлов мавсумини инобатга олган ҳолда чорва молларини алмашлаб ўтлатиш тизимини тўлиқ жорий этсин;

чўл яйловлари эгаллаган майдонларда мавжуд тик қудуқларни хатловдан ўтказиш ва унинг натижаларига кўра яроқсиз ҳолга келган (беркитилган, фойдаланилмаётган) тик қудуқларни мукаммал таъмирлаш бўйича чора-тадбирларни белгиласин;

деградацияга учраган яйловларни қайта тиклаш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида истиқболли озиқабоп яйлов ўсимликларининг бирламчи уруғчилик майдонларини ташкил этсин;

яйловларни қум босиш ва шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш мақсадида ташаббускорларнинг таклифига биноан яйлов ихотазорларини барпо этиш чораларини кўрсинг.

8. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

геоботаник тадқиқотларда аниқланган яйловлардаги мавжуд табиий ўрмонзорларни сақлаб қолиши мақсадида ушбу ерларни тегишли қарорлар билан ўрмонзор ер турига ўтказиш чораларини кўрсинг;

2024 йилда Бухоро ва Навоий вилоятларида яйловларни рақамли бошқариш тизимини ташкил этиш бўйича тажриба лойиҳасини хорижий молия институтлари маблағларини жалб қилган ҳолда амалга оширсинг;

сув таъминоти мавжуд бўлмаган ҳудудларда тик қудуқларни қазиш, қуёш энергиясида ишлайдиган насос агрегатлари ёрдамида ер ости сувларини чиқариш ҳамда томчилатиб сугориши технологияларини жорий этиш бўйича Бухоро ва Навоий вилоятларида намунавий тажриба лойиҳаларини амалга оширсинг;

тажриба лойиҳаларининг натижаларига кўра мазкур тажрибани республиканинг бошқа ҳудудларида босқичма-босқич амалга ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинг.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан биргаликда яйловларни ҳамда улардаги ер ости сувларини назорат қилиш мақсадида “waterbase.uz” электрон платформасини кенгайтириш ва яйловлар эгаллаган майдонлардаги қудуқларда ер ости сувларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, ўзаро маълумот алмашишни таъминлаш бўйича **Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг интеграциялашган геоахборот тизими** Атроф-муҳит мониторинги ягона геоахборот маълумотлар базаси тизими билан интеграция қилиш чораларини кўрсинг.

10. Белгилансинки, яйлов ерларини хатловдан ўтказиш ва яйлов ер майдонларининг электрон хариталарини ишлаб чиқиши харажатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни хатловдан ўтказиш, яйловларда геоботаник тадқиқотлар ва мониторингини ўтказиш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги яйловларни муҳофаза қилиш ва уларнинг деградациясига қарши курашишда ер ости сувларидан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш мақсадида яйлов ерларда мақсадли гидрогеологик тадқиқотлар ўтказсин ҳамда ер ости сувлари мониторингини кучайтириш чораларини кўрсинг.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Ж.А.Ходжаев ва қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “12” мартдаги 126-сон қарорига
1-илова

**Яйловлар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш стратегиясини амалга ошириш
ҳамда яйловларни барқарор бошқариш тизимини жорий этиш
ДАСТУРИ**

T/ р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Яйловлардан самарали фойдаланишининг ташкилий-услубий асосларини такомиллаштириш					
1.	Яйловларни тоифалаш ва уларнинг деградациясини табақалашган ҳолда баҳолашнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш.	1. Яйловларни тоифалаш ва уларнинг деградациясини баҳолаш бўйича халқаро мезонлар, усуллар ва индикаторларни таҳлил қилиш ва ўрганиш. 2. Яйловларни тоифалаш ва уларнинг деградациясини табақалашган ҳолда баҳолашнинг ягона услубиёти лойиҳасини ишлаб чиқиш. 3. Лойиҳани тасдиқлаш бўйича кўшма қарорни қабул қилиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш.	2024 йил апрель 2024 йил май 2024 йил июнь	Ижрочиларнинг маблағлари	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдуҳакимов), Ўзбекистон Фанлар академияси (Б.Юлдашев)
2.	2024-2028 йилларда 21,2 млн гектар яйловларни контурлар ва фойдаланувчилар	1. Яйловларни контурлар кесимида хатловдан ўтказиш учун талаб этиладиган маблағларнинг смета-хужжатларини ишлаб чиқиш.	2024 йил апрель	Кишлоқ хўжалиги вазирлигига қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов),

T/ р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	кесимида хатловдан ўтказиш.	<p>2. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ҳар йили бюджет маблағлари параметрларида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан яйловларни хатловдан ўтказиш ишларини молиялаштириш.</p> <p>3. Ҳар бир контур ва фойдаланувчи кесимида электрон хариталарни яратиш ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ягона геоахборот тизимига киритиш.</p> <p>4. Хатлов натижаларига кўра захирадаги бўш турган ер участкаларини очик электрон танловлар асосида ижарага бериш орқали республика бўйича яйловлардан субъектлар кесимида (фермер, деҳқон хўжалиги ва бошқалар) фойдаланилишини босқичма-босқич таъминлаш.</p>	<p>2024 йил май</p> <p>2024-2028 йиллар давомида</p> <p>Хатлов якуни билан бир ой муддатда</p>	<p>қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни хатловдан ўтказиш, яйловларда геоботаник тадқиқотлар ва мониторингини ўтказиш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар доирасида</p>	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А.Хайдаров)
3.	Деградацияга учраган яйловларни тикиш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилинишини таъминлаш.	<p>1. 15 минг гектарда чўл-яйлов озиқабоп ўсимликлар уруғчилигини ташкил этиш.</p> <p>2. Ўсимлик қоплами камайган яйловларда чорва молларини алмашлаб ўтлатиш тизимини жорий қилиш.</p>	<p>2024 йил май</p> <p>2024 йил давомида</p>	Ижрочиларнинг маблағлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (И.Эргашев), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

T/ p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		3. Делтапланлар ва бошқа учувчисиз учиш қурилмалари ёрдамида уруғларни сепиш ишларини амалга ошириш.	Экиш мавсумида		хузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги (Н.Бакиров)
4.	Яйловлар сув таъминотини яхшилаш ва қайта тиклашда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чораларини кўриш.	1. Бухоро ва Навоий вилоятларида яйловларни сув таъминотида мавжуд бўлган насослар ва сув иншоотлари, суғориш тармоқларини хатловдан ўtkазиш. 2. Махаллий ижро этувчи ҳокимият органларида бўлган насослар ва бошқа гидрографик иншоотларни давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорларга бириктириш учун таклифлар ишлаб чиқиши.	2024 йил май 2024 йил июнь	Ижрочиларнинг маблағлари	Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Хамраев), Кишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитаси (И.Эргашев), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ортиков), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
5.	Яйлов инспекциясини ташкил этиш бўйича таклиф ишлаб чиқиши.	1. Чет мамлакатларда яйловлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиши. 2. Яйловлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратни амалга ошириш юзасидан асосланган таклифларни ишлаб чиқиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритиши.	2024 йил май 2024 йил июль	Ижрочиларнинг маблағлари	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдуҳакимов)

T/ р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
6.	Яйлов худудларида инфратузилма тармоқларини қайта тиклаш ва ривожлантириш.	<p>1. Яйловлардаги носоз ва таъмирталаб сугориш иншоотларини реконструкция қилиш ҳамда ресурс тежамкор ускуналар үрнатиш.</p> <p>2. Чорва молларини саклаш жойлари ва чўпон уйларини таъмирлаш ҳамда янгидан қуриш.</p> <p>3. Узок чўл худудларига олиб борувчи йўлларни таъмирлаш.</p> <p>4. Яйлов инфратузилмасини яхшилаш бўйича халқаро молия институтлари маблағларини жорий қилган ҳолда экспримент лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p>	<p>График асосида</p> <p>Доимий</p> <p>График асосида</p> <p>2024 йил декабрь</p>	Ижрочиларнинг маблағлари	<p>Кишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (И.Эргашев), Автомобиль йўллари қўмитаси (Ж.Турсунов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари</p>
7.	Яйловлардан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида ахоли саводхонлигини ошириш бўйича амалий хизмат кўрсатишни жорий қилиш.	<p>1. Худудларда яйловдан фойдаланувчилар учун ўкув-амалий семинарлар ташкил этиш.</p> <p>2. Яйловлар ва пичанзорларни саклаш ва келгуси авлодга буст-бутун ҳолда етказиш бўйича “Яйловларимиз эътиборга муҳтоҷ” ва “Келажак авлодга яйловларни етказайлик” каби шиорлар остида кўрсатувлар тайёрлаш, уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.</p>	Хар чоракда	Ижрочиларнинг маблағлари	<p>Кишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (И.Эргашев), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Джурабаев)</p>

T/ р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		3. Яйловдан фойдаланувчиларга худудларда яйловлардан самарали фойдаланиш бўйича давра суҳбатларини ташкил этиш.	Хар чоракда		
8.	Германиянинг Табиатни муҳофаза қилиш бўйича Зукков фонди билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда иқлимини молиялаштириш воситалари орқали чўл яйловларни тиклаш ва улардан барқарор фойдаланиш” лойиҳасини амалга ошириш.	1. Лойиҳа бўйича Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги хулосасини олиш. 2. Вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда лойиҳа хужжатларини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 3. Лойиҳани белгиланган муддатларда амалга ошириш чораларини кўриш.	2024 йил июнь 2024 йил август Белгиланган муддатда	Халқаро молия институтлари маблағлари	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Гидрометеорология хизмати маркази (Ш.Хабибуллаев), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов)
II. Яйловлар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш стратегиясини амалга ошириш					
9.	Ўзбекистон яйловлари ва ер ости сувларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш стратегиясини молиялаштириш	1. Халқаро ва маҳаллий мутахассислар билан биргаликда амалга ошириладиган ишлар учун смета харажатларини ишлаб чиқиш. 2. Амалга ошириладиган ишларни хорижий молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш чораларини кўриш.	2024 йил апрель 2024 йил апрель - август	Ҳисоб-китобларга асосан халқаро молия институтлари маблағлари	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов)

T/ р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	ишлигини амалга oshiриш.				
10.	Стратегияни амалга ошириш бўйича норматив- хукуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Амалга ошириш мудатларини ва молиялаштириш манбаларини тасдиқлашни назарда тутувчи тегишли норматив-хукуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил октябрь	Ҳисоб-китобларга асосан халқаро молия институтлари маблағлари	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазири (К.Шарипов), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдуҳакимов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Қурдатов)
III. Яйловларни барқарор бошқариш тизимини жорий этиш					
11.	Яйловларнинг буғунги экологик ва хўжалик ҳолати бўйича таҳлилий ҳисбот тайёрлаш.	1. Республикада тарқалган асосий яйлов типларининг реал экологик- хўжалик ҳолати ва ўсимликлар қопламишининг деградация даражаси бўйича маълумотларни тўплаш. 2. Яйловлардаги буғунги вазият ва улардан фойдаланиш тартиб- қоидаларининг амалдаги тизимини жойларда ўрганиш бўйича дала кузатув ишларини олиб бориш.	2024 йил ноябрь 2024 йил декабрь	Ижрочиларнинг маблағлари	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти (Р.Тўраев)

T/ p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		3. Олинган натижалар асосида таҳлилий материаллар тайёрлаш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш.	2024 йил декабрь		
12.	Самарқанд давлат университети ва Тошкент давлат аграр университетида яйлов экологияси ва менежменти бўйича таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш чораларини кўриш.	<p>1. “Яйлов экологияси ва менежменти” таълим йўналишидаги нуфузли хорижий университетларнинг тажриба ва ютуқларини ўрганиш.</p> <p>2. “Яйлов экологияси ва менежменти” таълим йўналиши бўйича мавжуд эҳтиёжни аниқлаш.</p> <p>3. Илгор хорижий тажрибага асосланиб, яйлов экологияси ва менежменти бўйича миллий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. “Яйлов экологияси ва менежменти” таълим йўналишини олий таълимнинг бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари классификаторига киритиш бўйича таклифларни Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдим этиш.</p>	<p>2024 йил мобайнида</p> <p>2024 йил апрель</p> <p>2024 йил май</p> <p>2024 йил июнь</p>	Ижрочиларнинг маблағлари	<p>Кишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазири (К.Шарипов), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдуҳакимов)</p>
13.	“Яйлов экологияси ва менежменти” йўналишида хорижий	1. “Яйлов экологияси ва менежменти” йўналишида хорижий муассасалар билан ҳамкорлик келишувини тузиш.	2024 йил апрель	Ижрочиларнинг маблағлари	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов)

T/ р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	муассасалар билан ҳамкорликни ривожлантириш.	<p>2. Яйлов соҳасида етакчи хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларига, жумладан, Texas A&M University (АҚШ), Darmstadt Technical University (Германия)га амалий ташриф уюштириш ва келишув шартномаларини расмийлаштириш.</p> <p>3. Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда Ўзбекистон шароитида яйловлардан самарали фойдаланиш бўйича замонавий илмий-тадқиқот йўналишлари ва амалиёти талабларини ишлаб чиқиш.</p>	2024 йил май 2024 йил июнь		

IV. Ер ости сувларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш

14.	Ўзбекистонда ер ости сувларини бошқариш ва мониторинг қилиш, илмий ва маъмурӣ базасини таҳлил қилиш.	<p>1. Яйловларда ер ости сувларини мониторинг қилишнинг ҳолати ва мавжуд илмий-техник инфратузилмаси бўйича маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш.</p> <p>2. Яйловларда кузатув қудукларини оптимал жойлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Яйлов мониторингини автоматлаштирилган тизимга (замонавий ўлчов ускуналари, электрон маълумотлар базаси, ер ости</p>	2024 йил апрель 2024 йил май 2024 йил июнь	Ижрочиларнинг маблағлари	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (Б.Исламов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов)
-----	--	---	--	--------------------------	---

T/ р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		сувларининг электрон рақамли харитаси) айлантириш чораларини кўриш.			
15.	Кишлоқ хўжалигида ер ости сувларига бўлган талабни ўрганиш ва хронометражли таҳлиллар ўtkазиш.	<p>1. Яйлов ўсимликларининг сувга бўлган талабидан келиб чиқиб, ер ости сувларига нисбатан эҳтиёжни аниқлаш.</p> <p>2. Ер ости сувларидан фойдаланиш тартиби асосида хронометражли таҳлиллар ўtkазиш.</p> <p>3. Ер ости сувларидан фойдаланиш ва уларни бошқариш бўйича аник таклифлар ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Ер ости сувларидан фойдаланиш хисобини юритиш бўйича электрон маълумот алмашинувини йўлга кўйиш.</p>	<p>2024 йил апрель</p> <p>2024 йил июнь</p> <p>2024 йил июль</p> <p>Доимий</p>	Ижрочиларнинг маблағлари	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (И.Эргашев), Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (Б.Исламов)
16.	Яйловлардан вақтинча фойдаланиш ва ерга эгалик хукуқий кафолатларини амалиётга татбик қилиш.	<p>1. Яйловлардан фойдаланувчиларнинг ерга нисбатан эгалик қилиш хукуқлари давлат рўйхатидан ўtkазилган ва ижара шартномалари тузилганлик ҳолатини таҳлил қилиш.</p> <p>2. Ердан фойдаланувчиларнинг хукуқий саводхонлигини ошириш юзасидан амалий семинарлар ташкил қилиш.</p> <p>3. Яйловларнинг экологик ҳолатини саклаш, ижтимоий</p>	<p>2024 йил апрель</p> <p>2024 йил май</p> <p>Доимий</p>	Ижрочиларнинг маблағлари	Кишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (И.Эргашев), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги (Н.Бакиров)

T/ p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		инфратузилмасини яхшилаш ва иқтисодий самарадорлигини таъминлаш бўйича жорий ҳолатни ўрганиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўриш.			
17.	Яйловлардаги ер ости сувларидан фойдаланиш тартибини белгилаш.	1. Яйловлардаги ер ости сувларидан яйловларни ва чорва молларини суғориш учун фойдаланиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиши. 2. Яйловлардаги ер ости сувларидан яйловларни ва чорва молларини суғориш учун фойдаланиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида кўшма қарор қабул қилиши.	2024 йил июнь 2024 йил август	Ижрочиларнинг маблағлари	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (Б.Исламов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитаси (И.Эргашев), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги (Н.Бакиров)

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “12 ” мартдаги 126-сон қарорига
2-илова

**Яйловлар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш
стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича ишчи гурӯҳ
ТАРКИБИ**

1. И.Ю. Абдурахмонов – қишлоқ хўжалиги вазири, ишчи гурӯҳ раҳбари
2. Т.Ю. Рапиков – Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, экспорт, савдо, қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари котибияти мудири, ишчи гурӯҳ раҳбари ўринбосари
3. А.А. Абдухакимов – экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири
4. Б.Ф. Исламов – тон-кон саноати ва геология вазири
5. И.Ф. Хамраев – Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, экспорт, савдо, қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари котибияти бош мутахассиси
6. Н.Ж. Бакиров – Ўрмон хўжалиги агентлиги директори
7. Э.Ш. Ҳайитов – Яйлов хўжалигини ривожлантириш уюшмаси раиси
8. Р.А. Тўраев – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий лойиҳалаш институти бош директори
9. Т.Ф. Ражабов – Самарқанд давлат университети қошидаги Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институти директори
10. О.И. Соатов – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлар деградациясига қарши қурашиш бошқармаси бошлиғи, ишчи гурӯҳ котиби

Изоҳ.

Ишчи гурӯҳ аъзоси бошқа ишга ўтганда, унинг ўрнига ушибу лавозимга янги тайинланган ёки тегишили функцияларни бажсарии зиммасига юкланган шахс киритилади.

Ишчи гурӯҳ томонидан малакали хорижий ва маҳаллий экспертлар белгиланган тартибда жсалб қилишини мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “12” мартдаги 126 -сон қарорига
3-илова

**2024-2028 йилларда мавжуд яйловларни босқичма-босқич тўлиқ хатловдан ўтказиш
ҳамда уларнинг электрон хариталарини ишлаб чиқиши
ГРАФИГИ**

Тадбир номи	Масъул ташкилот	Молиялаштириш манбай	Яйлов ва пичанзор майдонлари (млн. гектар)	Шундан:				
				2024 йилда	2025 йилда	2026 йилда	2027 йилда	2028 йилда
2024-2028 йилларда яйловларни хатловдан ўтказиш ва электрон хариталарини ишлаб чиқиши	“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий лойиҳалаш институти	Қишлоқ хўжалиги вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилиладиган маблағлар	21,2	3,5	4,4	4,4	4,4	4,5

